
Халқ таълими “онлайн дарслар” масаласида қуйидагиларни тушинтиришни лозим деб топади.

1. Халқ таълими вазирлиги ва миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканаллар ҳамкорликда видеодарсларни суратга олиш ишларини олиб бормоқда. Бу ҳақдаги маълумотлар вазирлик ижтимоий тармоқлари ва ОАВларда берилиб борилди.
2. Видеодарслар яқин кунлар ичида “Оилавий”, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб” ва “Ёшлар” телеканалларида ҳамда Халқ таълими вазирлиги расмий сайти (www.uzedu.uz) ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида (@uzedu) намоиш этилади. Яни видеодарслар нафақат интернет тармоғида балким телеканаллар орқали намоиш этилади.
3. Халқ таълими вазирлиги ўқитувчиларга алоҳида видеодарслар тайёрлаш ва уларни тарқатиш бўйича ҳеч қандай кўрсатма бермаган. Худудларда видеодарс олишга ўқитувчиларни норози қилган ҳолда жалб қилиш ва турли ҳужжатларни тўлдиришни талаб қилишни тўхтатиш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.
4. Шу билан бирга, агар юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар сиз билан содир бўлаётган бўлса ёки шу тўғрисида маълумотга эга бўлсангиз содир этилаётган ҳудуд ва мактабни аниқ кўрсатган ҳолда Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

2020-03-19 16:44:43